


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
Низомий номидаги ТДПУ  
ректори Ш.Шарипов  
\_\_\_\_\_ 2016 йил



**ИЛМИЙ, ИЖОДИЙ  
ТЎГАРАКЛАРИНИНГ  
НИЗОМИ**

**Тошкент-2016**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Унивеситетида фаолият  
кўрсатаётган илмий, ижодий тўғаракларнинг  
НИЗОМИ**

**1. Умумий қоидалар:**

1. Тўғараклар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда мазкур Низом асосида юритади.
2. Тўғараклар узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, таълимнинг ривожлантирувчи вазифасини амалга ошириш бўйича давлат ва жамиятнинг узвий ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастурлар ва режалар асосида ўсиб келаётган ёш авлодни руҳий ва маънавий жиҳатдан мустақил ҳаётга тайёрлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига юқори малакали, мустақил фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш бўйича фаолият юритувчи ҳамда илмий-ижодий ишларни мақсадли ҳамда тизимли асосда амалга оширувчи амалий ва илмий-услубий ижодий уюшмаси ҳисобланади.
3. Тўғараклар талаба-ёшларнинг оптимал ечимларини излаб топишга оид кўникма ва малакаларини, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга табиқ эта олиш компетенциясини ривожлантиришга қаратилган Илмий-ижодий уюшма сифатида қизиқишлари ўзаро яқин бўлган бир гуруҳ талабаларнинг маълум фан ва йўналишлар бўйича ташкил этилади ва унга кафедра ва бўлинмаларнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари раҳбарлик қилишади. Зарур ҳолларда бу ишга соҳанинг таниқли вакиллари ташқаридан таклиф этилиши мумкин.
4. Тўғараклар Низоми, илмий раҳбари ҳамда унинг таркиби, фаолият йўналишлари кафедра таклифи ва тавсияси асосида факультет Илмий Кенгашида кўриб чиқилади ва университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилади.

**2. Тўғаракларнинг асосий мақсад ва вазифалари**

5. Тўғаракларнинг асосий мақсади – талаба-ёшларнинг тегишли касб ёки фанга оид қобилияти, истеъдодларини аниқлаш ҳамда камол топтиришдан, уларнинг бўш вақтларини мақсадга мувофиқ равишда мазмунли ташкил этишдан иборатдир.
- Тўғаракларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
- Олий ўқув юртида таълим олаётган талаба -ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини аниқлаш, уларнинг шундай фазилатларини намойиш этиш тўғрисида ривожлантириб боришлари учун муносиб шарт-шаротларни яратиш;
  - Таълим муассаси фаолиятида миллий ғоя, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни амалда қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғловчи, Ватанга садоқатли, юксак маънавиятли ёшларни тарбиялашга қаратилган кенг

- кўламли илмий, ижодий ишларни олиб боришга муносиб бўлган ижтимоий-маънавий ҳамда ижодий муҳитни юзага келтириш;
- талаба-ёшларни келажак ҳаётга нисбюатан аниқ мақсад ва комил ишонч билан яшашга тайёрлаш, уларни энг юксак қадрият сифатида вақтни қадрлаш ва ундан самарали фойдаланишга ўргатиш;
  - талаба-ёшлар оғнгига инсон тараққиётида маънавият оламининг беқиёс аҳамиятини сингдириш;
  - Уларнинг онги ва тафаккурида маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфини бартараф этиўшга оид иммунитетни шакллантириш;
  - ёшлар онгини лоқайдлик, бепарқлик каби иллатлардан фориғ этиш;
  - талаба-ёшларда барча кўринишдаги салбий ҳолатларга қарши курашувчанлик руҳини яратиш ва ривожлантириш;
  - ёшлар орасида ватанпарварлик, миллий ғурур, маънавий теранлик ва ташаббускорлик илмий-ижодий истеъдод каби фазилатларни қарор топтириш ҳамда тўпланган бой бадий-ижодий ва илмий-техник салоҳиятни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшиш туйғуларини камол топтириш;
  - талаба-ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи ташаббускорлик, ижодкор ва бунёдкорликка оид фазилатларининг ривожлантирилиши учун ёрдам бериш;
  - талабаларнинг бўш вақтини мақсадли ва мазмунли ташкил этиш, уни оқилона режалаштириш ва амалга ошириш борасидаги қарашларининг шаклланиши ва ривожини учун кўмаклашиш;
  - уларнинг илмий ва ижодий изланишлари натижаларини рўёбга чиқариш, муҳокама қилиш, амалиётга татбиқ этиш, рағбатлантириш борасида тегишли шарт-шароитларнинг яратилиши имконият яратиш.

### 3. Тўғаракларнинг ҳуқуқлари

6. Олий таълим муассасасида бажарилаётган илмий-тадқиқот лойиҳаларда, ижодий ва маданий-маърифий тадбирларда қатнашиш, турли илмий-амалий анжуманлар, кўргазмалар, мушоира, ижодий учрашувлар, тадбирлар мажмуасини уюштириш ва ўтказишда кўмаклашиш.
7. Қонунда белгиланган тартибда реклама ишларини амалга ошириш ва ўз фаолиятида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш.
8. Ёшлар орасида маданий-маърифий, илмий-амалий ишларни олиб бориш ва тўғарак фаолияти ҳақида ахборотни кенг тарғиб қилиш.
9. Республикамиздаги ОТМлар, илмий марказлар, замонавий корхона ва ташкилотлар ҳамда жамғармалар билан илмий-ижодий ҳамкорликлар ўрнатиш.
10. Талабаларни тўғарак ишларига кенг жалб қилиш ва қизиқтириш мақсадида факультетлар Илмий Кенгаши қарори асосида тўғаракларга қатнашувчи талабалар орасида танлов ташкил қилиш.

11. Тўғараклар меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда талабалар ота-оналари ҳисобидан таълим олаётган йўналишларга турдош таълим йўналишларидан чуқур билим ва кўникма бериш мақсадида ҳам ташкил этилиши мумкин

#### **4. Тўғаракларга аъзолик**

12. Мазкур Низом қоида ва талаблари ҳамда мутахассислик тўғаракларининг мақсад ва вазифаларини маъқуллаган, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, илмий-ижодий фаолиятига ўз билими ва қобилияти билан қизиққан бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда тадқиқотчилар тўғаракка аъзо бўлишлари мумкин.
13. Тўғараклар турини танлаш ва қатнашиш талабалар учун ихтиёрий бўлиб, унинг тўғаракларга иштирок этиш ҳақидаги оғзаки билдириши етарлидир.

#### **5. Тўғарак аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари**

14. Тўғарак фаолиятига доир барча ташкилий-амалий масалаларнинг ҳал қилинишида тенг ҳуқуқлилиқ асосида иштирок этиш ва тўғаракнинг Низомига риоя қилиш ҳамда унинг мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш.
15. Низомга тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар ва тавсиялар билан чиқиш.
16. Факультетларда тўғараклар учун махсус жиҳозланган аудиториялар, ўқув-технологик жиҳозлар, ахборот ресурс маркази жамғармасидан ва жиҳозларидан фойдаланиши.
17. Талабаларнинг жамоат ишларида иштирок этиши ва дам олишлари эътиборга олиниб, тўғарак раҳбари тақдимномасига мувофиқ тузилган жадвал асосида тўғаракда қатнашиш ва машғулотларни сабабсиз қолдирмаслик.
18. Тўғарак машғулотлари учун зарур бўлган барча ўқув қуролларини олиб келиш, хавфсизлик техникаси, санитар-гигиеник меъёрларга риоя қилиш.

#### **6. Тўғаракларни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш**

19. Тўғарак кафедра мудири, факультет декани тавсияси асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади. Унга тажрибали профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилади ва йўналишлар бўйича масъул проректорлар назорати остида факультет деканлари томонидан бошқарилади ҳамда факультет Илмий Кенгашига мунтазам ҳисобот беради.
20. Тўғарак раҳбарининг ваколатлари:
  - Илмий ва ижодий тўғарак Низомига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш ташаббуси билан чиқади;
  - тўғарак аъзоларининг сонини (иштирокчилар сони 10 нафардан кам бўлмаслиги керак) белгилайди;
  - тўғарак ваколатларини ва унинг асосий фаолият йўналишларини белгилайди;

- тўғарак аъзолари ва йўналишлар бўйича тўғарак аъзолари томонидан тақдим этилган дастурий ҳужжат, лойиҳа ва концепцияларни муҳокама қилади ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;
  - тўғарак фаолиятини такомиллаштиришга доир турли таклиф ва ташаббуслар билан чиқади.
23. Тўғарак раҳбарларида қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши лозим:
- ОТМда қабул қилинган Низом асосида ишлаб чиқилган тўғарак Низоми;
  - тўғарак дастурини тузиш бўйича услубий тавсиялар;
  - университет соҳа проректори ҳамда факультет Илмий Кенгаш томонидан тасдиқланган тўғаракнинг йиллик иш режаси;
  - иштирокчиларнинг давоматини қайд қилиш журнали;
  - тўғарак иш жадвали;
  - тўғарак иштирокчиларнинг рўйхати;
  - тўғарак фаолиятига оид ҳисоботлар.
24. Тўғарак йиғилишлари унинг хусусиятидан келиб чиқиб, белгиланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг ҳафтасида камида бир марта йиғилиши шарт.

#### **7. Тўғараклар фаолиятини молиялаштириш**

25. Тўғарак фаолияти асосан жамоатчилик асосида ташкил этилади, айрим ҳолатларда уни ташкил қилиш ва уни юритиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар ўрнатилган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.
26. Корхоналар ва ташкилотлар, юридик ёки жисмоний шахсларнинг тўғарак ташкил қилиш ва уни молиялаштириш тўғрисидаги таклифлари амалдаги қонунчилик асосида ҳал қилинади.
27. Тўғараклар фаолияти учун зарур молиявий маблағлар университет томонидан, қуйидаги моддий маблағлар асосида шакллантирилади:
- таълим хизматлари (компьютер хизмати ва ўқув курслари, тил ўргатиш курслари ва бошқа) ва тренинглар;
  - тўғараклар (тикув-бичиш, пазандачилик, қандолатчилик, сартарошлик ва бошқа);
  - таълим муассасаларида шартнома асосида лекторийлар ўтказиш;
  - шартнома асосида ўқув-услубий ишланмалар яратиш;
  - бадий, ҳужжатли фильмлар намойиш этиш, ижара хизматларини кўрсатиш ва бошқа пуллик хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;
  - ҳомийлик маблағлари;
  - амалдаги қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа манбалар.
28. Шакллантирилган молиявий маблағлар университетнинг ҳисоб рақамига туширилади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган сарф-ҳаражатлар сметаси асосида ишлатилади

#### **8. Тўғарак фаолиятини тугатиш тартиби**

29. Тўғарак фаолияти университетнинг Илмий Кенгаши қарори билан тугатилади.